

Келажак кадрларини тайёрлаш: “Чирчиқ” технопаркида Олий муҳандислик мактабининг тантанали очиши маросими бўлиб ўтди

// 15.12.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kelazhak-kadrlarini-tayyorlash-chirchiq-tehnoparkida-oliy-mu>



“Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида Тошкент кимё-технология институти билан ҳамкорликда ташкил этилган “Интеллектуал кимё-технология тизимлари” Олий муҳандислик мактабининг тантанали очиши маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда таълим, илм-фан ва саноат соҳаси вакиллари, олий таълим муассасалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Маросимда “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Евгений Коржиков иштирок этиб, ўз нутқида мазкур муҳандислик мактабининг асосий вазифалари — кимё саноати учун замонавий амалиётга йўналтирилган ва халқаро талабларга жавоб берадиган муҳандис кадрларни тайёрлаш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш эканини қайд этди.



Ушбу мактаб “Тармоқ - корхона - ОТМ” моделининг амалий татбиғи бўлиб, кимё саноати учун зарур бўлган юқори малакали муҳандис кадрларни тайёрлаш бўйича салоҳиятли кластерни ташкил этади. Унда магистр талабалар учун кимёвий технология, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда кимёвий технологик жараёнлар ва аппаратлар мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнлари олиб борилади.



Шунингдек, маросим доирасида Тошкент кимё-технология институти ҳамда “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

